



КРЕДИТЛАР РИВОЖЛАНИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2008 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАТИРИШ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДА ЎТГАН ДАВРДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ ҲАМДА 9,3 ФОИЗ, САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ 12,2 ФОИЗ, ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ 16,6 ФОИЗ, ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ 18,9 ФОИЗГА ҲАМДА ТАЪКИДЛАНДИ.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва аҳолининг ўш билан таъминланишида банклар ва улар томонидан ажратилаётган кредитларнинг алоҳида ўрни бор. Улардан бири — «Ҳамкорбанк» мамлакатимиз молия бозорига ишончли молиявий ташкилот сифатида изчил ривожланаётган. Банк 50 мингдан зиёд миқозга хизмат кўрсатмоқда. Банк томонидан миқозларга янги хизматларни тақдим этиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, аҳолига микрокредитлар бериш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар миқозларнинг иқтисодий имкониятларини оширишига хизмат қилаётган. «Ҳамкорбанк»нинг кредит сисъати тармоқларни кенг молиялашга қаратилган.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва аҳолининг ўш билан таъминланишида банклар ва улар томонидан ажратилаётган кредитларнинг алоҳида ўрни бор. Улардан бири — «Ҳамкорбанк» мамлакатимиз молия бозорига ишончли молиявий ташкилот сифатида изчил ривожланаётган. Банк 50 мингдан зиёд миқозга хизмат кўрсатмоқда. Банк томонидан миқозларга янги хизматларни тақдим этиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, аҳолига микрокредитлар бериш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар миқозларнинг иқтисодий имкониятларини оширишига хизмат қилаётган. «Ҳамкорбанк»нинг кредит сисъати тармоқларни кенг молиялашга қаратилган.

Шунингдек, 850 нафардан зиёд тадбиркор аёлга 7,5 миллиард сўмлик қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Мазкур кредитлар самарасида қарийб тўққиз юзта янги иш ўрни ташкил этилди. Банк томонидан аҳолига ипотека ва истеъмол кредитлари беришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг олти ойида қарийб тўрт минг миқозга 5,9 миллиард сўм истеъмол кредити, қарийб ўн юз миқозга 4,7 миллиард сўм миқдорда ипотека кредитлари берилганлиги бунга мисолдир.

«Ҳамкорбанк» ипотека йўналишида нафақат уй-жой сотиб олишга, балки уй-жойни реконструкция қилиш, таъмирлаш эҳтиёжлари учун ҳам кредит ажратмоқда. Ёш оила-ларга имтиёзли шартлар асосида узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари учун кредит бериш ҳам тобора оммалашмоқда.

Банк томонидан кўрсатилмаётган бундай хизматларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг янада қўллаб-қувватлашга қаратилган. Банк томонидан кўрсатилмаётган бундай хизматларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг янада қўллаб-қувватлашга қаратилган.

(ЎЗА)



2008 — Ёшлар йили

ЭНГ ИҚТИДОРИЛАР ТАЛАБА БЎЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ЮРТИМИЗДА ЁШ АВОДНИНГ СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ ШАХС БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ МАСАЛАСИГА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ, 2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАТИРИШ ДАВЛАТ УМУМИЛЛИЙ ДАСТУРИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ БИЛИМ МАСКАНЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ, ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЗМУНИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЁШЛАРГА МУКАММАЛ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Яна бир неча кундан сўнг — 1 августда олий ўқув юртиларига кириш орзусида бўлган минглаб ёшларимиз ўз билимини тест синовидан ўтказди. Мамлакатимизда ушбу синовларга бу йил қандай тайёргарлик қирилди?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест марказида маълум қилишларича, тест синовларига тайёргарлик ишлари Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008-2009 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги қарорига мувофиқ олиб борилмоқда. Мазкур ҳужжатга кўра бу йил бақалавриятга 58 миң талаба қабул қилиниши режалаштирилган. Ҳозир мамлакатимиз олий таълим муассасаларига абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш яқунланди. Ҳар йилгидек, Давлат тест маркази томонидан тест синовларини белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказишга оид қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу масъулиятли жараёни тартибли, ҳолис, ҳаққоний ва адолатли тарзда ўтказиш учун марказ ходимлари маҳаллий ҳокимликлар, вазирилик ва идоралар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Давлат тест маркази вакиллари, олий ўқув юртиларининг аудитория раҳбарлари, кузатувчилар учун ўқув семинарлари ўтказилди, тест жараёнида иштирок этадиган масъул вакиллар зарур барча материаллар билан таъминланди.

Бугунги кунда тест синовларида қўлланиладиган жами тест саволлари жамғармаси тўлиқ шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг малакали мутахассислари иштирокида тест саволларининг Давлат таълим стандартлари доирасида тайёрланганиги ва мазмун и экспертизадан ўтказилди. Саволларнинг барчаси таълим масканлари учун тасвир этилган ўқув адабиётлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари доирасида тузилган эътиборга моликдир. Аҳамиятли томони, тест саволлари жамғармаси мазмунан тақомиллаштирилди, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокида ўқувчи ёшларимизнинг ўқув шакллантирилаётган тест саволлари жамғармасининг мақсад ва вазифаларини янада ривожлантириш устида излашлар давом этмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йил олий таълим муассасасига кириш истагидаги йигит-қизлар тест синовларини ўтган йиллардаги тартибда топширадиган, яъни тест синовларини ташкил этиш ва топшириш жараёнида деярли ўзгариш йўқ.

Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий соҳанинг мунтазам ривожланиб бориши янги касб йўналишлари, иқтисосликлар очишни талаб этмоқда. Ҳар йили ривожланаётган ва малакали мутахассисларни талаб этадиган соҳаларга кадрлар тайёрлаш ишлари мунтазам ўрганиб боришмоқда. Хусусан, жорий йилда айрим олий таълим даргоҳларида янги йўналишлар очилди ва абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинди. Айни пайтда, Ўзбекистон давлат санъат институтининг Қорақалпоғистондаги филиали иш бошлади. Олий маълумотли кадрлар тайёрлашда иқтисодиёт тармоқларини 2012 йилгача бўлган таҳлиллар асосида муҳандислик, қурилиш, замонавий технологиялар йўналишига кўпроқ эътибор қаратилади. Бундан ташқари, бир қатор олий таълим даргоҳларида жойи тили, иқтисодиёт, генетика, биофизика, биохимия, биоинформатика, газначилик иш каби янги таълим йўналишлари ташкил этилди.

Юртимизда «Ёшлар йили» Давлат дастурида таълим сифати ва мазмунини тақомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшлар учун олий ўқув юрти талабаси бўлишни олдиндан белгилайдиган ҳамда имтиёзлар берадиган имкониятлар тўла амалда. Хусусан, республика ва халқаро фан олимпиадалари ғолиблари, белгиланган тартибда имтиёзлар берилиши назарда тутилган кўрик-танловлар ва мусобақалар ғолиблари тест синовларисиз олий ўқув юрти талабаси бўлиш имкониятига эга. Бундан ташқари ҳарбий кўмондонлик тавсиясига эга ҳарбий хизматдан бўшатилган аскарларимиз учун ҳам имтиёзлар тўлиқ сақланиб қолган.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил мамлакатимиздаги олий ўқув юрти-ларига 345733 нафар абитуриент ҳужжат топширган. Бу бир ўринга ўртача 5,4 абитуриент тўғри келади, демакдир. Шундай экан, энг билимли, иқтидорли ёшлар талабаликка мушарраф бўлади.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



Туманларда

БОҒДА «МАҲАЛЛА КУНИ» БАЙРАМИ

ШАҲРИМИЗДАГИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН «МАҲАЛЛА КУНИ» БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛДИ.

«Маҳалла» жамғармаси туман бўлими томонидан «Нуроний» жамғармаси кўмагида ташкил этилган байрамда тумандаги барча 52 маҳалла фаоллари, оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, посбонлар сардорлари иштирок этди. Ҳар бир маҳалла ўз ҳунармандлари, касаначилари, чеварлари томонидан тайёрланган турли-туман маҳсулотлари — гиламлар, кийим-кечаклар, заргарлик буюмлари, суратлар, сопол буюмлар, альбомлар, қандолат ва озиқ-овқат маҳсулотларини намойиш этди. Масалан, «Баҳор» маҳалласидан истеъфодаги собиқ ҳарбий жарроҳ Ғайбулла Алиев тош, фанерга чизилган расмлар, гулзорларни парваришлаш бўйича суратларни кенг оммага намойиш этган бўлса, «Уйғон» маҳалласидан келган Нина Дорминтова ўзи тайёрла-

ган пироглари билан тадбирда катнашди. Ўсмирлар ҳам «Маҳалла кунини» да ўз тайёрлаган маҳсулотларини намойиш қилишди. Жумладан, «Салор-1» маҳалласи вакили 9 ёшли Светозар Милошевичнинг шарқ мавзусидаги сопол идишлари тадбир қатнашчиларида ҳайрат уйғотди.

Шу кунини ранг-баранг буюмлар, маҳсулотларни кўрган кишиларнинг кўзлари қувнади. «Маҳалла кунини» байрами сўнггида 12 та номинация бўйича ўтказилган танлов ғолиблари тақдирланди, мароқли концерт дастури йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

(Ўз мухбири)

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманида ўтказилган «Маҳалла кунини» байрам тадбиридан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

РЕСПУБЛИКАДАГИ НУФУЗЛИ ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДАН БИРИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Зиё масканининг биргина магистратура босқичини мазкур йилда 830 дан ортиқ талабалар тамомлади. Маросимда сўзга чиққанлар битирувчиларни табриклар экан, уларни келгусида ўз билимлари билан юртимиз тараққиёти ва ривожланишида катта ҳисса қўшишларига ишонч билдиришди.

Айтиб ўтиш жоизки, кейинги 5 йил давомида университет олимлари томонидан 60 га яқин дарсликлар, 350 дан ортиқ ўқув қўлланмалари нашр этилган. Бу масханда таҳсил олган қатор олим узиёлар Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига шунингдек, қўллаб профессор-

қитувчилар Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, буюк хизматлари учун ордени ва бошқа унвонларга сазовор бўлган.

Бугун ана шундай инсонларни чинакам издошлари бўлишни ният қилган 11 миңдан ортиқ талаба 13 та факультетда таҳсил олаётган. Уларга 22 нафар академик, 225 нафар фан доктори, профессорлар қолаверса, бир қанча фан номзодлари ҳамда доцентлар илм-фаннинг сир-синоатларини ўргатиб келмоқда.

Таъкидлаш керак, сўнгги пайтларда таълим даргоҳида мутахассисларнинг иқтисослашуви ҳам алоҳида

эътибор қаратилмоқда. Шу боис журналистика факультети қошида Олий журналистика курси ташкил этилган. Бу йил Олий журналистика курсини иккинчи битирувчилари тамомлади.

Тадбирда сўз олганлар битирувчиларга келгуси ишларида муваффақиятлар тилашди. Эңдиликда улар юртимизнинг барча гунаҳарида ўз мутахассисликлари бўйича иш фаолиятларини бошлашди. Қолаверса, илмий излашларини давом эттириш ва уларни йиғиниб беришлари учун ҳам имкониятлар етарли.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР, ОДАТДА, ТУРЛИ ХИЛ ЖАРОҲАТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ. ДАРҲОЛ КЎРСАТИЛГАН ЁРДАМ ЖАБРАНЛАНГАН ИНСОННИ ОҒИР ОҚИБАТЛАРДАН САҚЛАБ ҚОЛИШИ МУМКИН. ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ЭЛЕКТР ТОКИДАН ЖАРОҲАТЛАНГАНЛАРГА ЎЗ ВАҚТИДА БИРИНЧИ ЁРДАМ КЎРСАТИЛИШИ АЙНИҚСА МУҲИМДИР.

Электр энергетика ускуналарига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларда ишловчи барча ходимлар касб бўйича ўқитилари билан бир қаторда жабранланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича амалий машғулотлар ўтишлари ҳамда вақти-вақти билан биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари бўйича йўриқномавий машғулотларда малака оширишлари лозим. Машғулотларни корхонанинг (ташкilotнинг) муҳандис-техник ходимлари билан биргаликда тиббий ходимлар жумласидан бўлган пухта билимларга эга мутахассислар ўтишлари керак.

Корхонанинг ҳар бир ходими ўзининг касбий вазифаларини қандай мохирона бажарса, биринчи ёрдамни ҳам шундай кўрсата билиши керак. Шунинг учун ҳам касбий маҳоратга ва шифокордан олдинги ёрдам кўрсатишни билишга қўйилган талаблар бир хил бўлиши лозим. Биринчи ёрдам ўз вақтида кўрсатилиши ва самарали бўлиши учун доимий навбат-

чилик жойларида биринчи ёрдам кўрсатиш учун керакли дори-дармонлар ва тиббий буюмлар тўплами солинган тиббий ёрдам кўчмаси бўлиши талаб этилади. Электр токи урганда жабранувчинини имкони борича тезроқ электр токи таъсиридан халос этиш лозим, чунки электр токининг таъсири қанча кўп бўлса, организмдаги электр жароҳати шунчалик оғирроқ бўлади.

Кўчаниши остидаги ток ўтказувчи қисмларга тегиб кетиш, кўп ҳолларда мушакларнинг ихтиёрий бўлмаган равишда қисқаришига ва нафас олиш ва қон айланиш органлари фаолиятининг бузилиши ёки умуман тўхтаб қолишига олиб келувчи ҳолатга сабаб бўлиши мумкин. Агар жабранувчи симни қўлида ушлаб турган бўлса, унинг бармоқлари шундай қаттиқ қисилдики, симни унинг қўлларида бўшат-ти бўлмайди. Шунинг учун ёрдам берувчининг биринчи ҳаракати электр ускунасининг жабранувчи тегиб турган қисми-

ни тезроқ ўчиришдан иборат бўлиб улар қўлидагича:

электр ускунасини узгич, бириктиргич-ажратгич (рубильник) ёки бошқа ўчирувчи аппарат ёрдамида, ҳамда сақлағичларни олиб қўйиш, штепсел уламасини ажратиш, ҳаво линиясида сим ташлаб сунъий қисқа туташув ҳосил қилиш йўли билан ўчириш мумкин;

кўчаниши электр ускуналарида симни ёғоч билан олиб ташлаш йўли билан жабранувчинини ток таъсиридан озод қилиш;

кўчаниши электр ускуналарида жабранувчинини куруқ кийимидан тортиб ток таъсиридан озод қилиш;

жабрланувчинини кўчаниши ток ўтказувчи қисмлардан ажратиш;

кўчаниши электр ускуналарида симларни узиш йўли билан жабранувчинини ток таъсиридан озод қилиш;

кўчаниши электр ускуналарида изоляциялайдиган штанга ёрдамида симлар-

ни четга олиш йўли билан жабранувчинини ток таъсиридан озод қилиш;

туташув токининг ерга ёйилиши зонасида тўғри ҳаракатланиш бўлиши керак.

Бу борада жойларда амалий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» ОАЖда 2008 йилнинг 20 июнча ўтказилган «Техника хавфсизлиги» кўригида туман электр тармоқлари, электр ходимларининг техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси қоидалари бўйича ва электр қурилмаларни эксплуатация қилиш бўйича амалий жиҳатдан билимлари, шунингдек электр токидан жароҳат олган одамни электр токи таъсиридан қутқариш ва унга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича билимлари синовдан ўтказилди. Тошкент шаҳрининг 11 та туман электр тармоқлари ичига соврилди ўринлари Яққасарой ТЭТ, С.Раҳимов ТЭТ ва Юнусобод ТЭТ ходимлари эгалладилар, уларга қимматбаҳо мукофотлар берилди. Ушбу йўналишдаги ишларни давом эттириш бўйича тадбирлар тузилди.

Элбек КОДИРБЕКОВ, Эҳсон УСМОНОВ, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ходимлари.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОННИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАТИРИШ САМАРАЛАРИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

ХВЖ Ижрочи директорлари таркибий ислохотлар соҳасида ширкат ҳўжалиklarини тугатиш ва уларнинг негизда фермер ҳўжалиklarини ташкил этиш бўйича кенг қўламли ислохотларни яқунлаш, ишбилармонлик муҳитини изчил тақомиллаштириш, шунингдек, солиқ-бюджет ва газначилик тизимидаги ислохотларни амалга ошириш борасида ривожланишга эришилганини маъқуллади.

Ижрочи директорлар ҳўкуматнинг газначилик тизимини ислох қилиш, солиқни бошқариш ва бюджетни таснифлаш янада тақомиллаштириш режаларини қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, улар Марказий банкнинг банкларни капиталлаштиришни ошириши давом эттириш, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш ва молиявий воситачилик ролини кенгайтиришга доир режаларини ҳам маъқуллади. Ижрочи директорлар ҳўкуматга иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини эришилган даражада сақлаш ва инфляция даражасини янада пасайтириш мақсадида мослашувчан валюта айирбошлаш курси сиёсати, ишбилармонлик муҳитини тақомиллаштириш, савдони эркинлаштириш ҳамда кўзда тутилган таркибий ислохотларни амалга ошириш билан уйғун олиб бориладиган мувозанатли макроиқтисодий сиёсатга риоя қилишни давом эттиришни тавсия этди.

Жамғарма Ижрочи директорлари кенгаши ХВЖ миссиясининг Ўзбекистон учун жорий йилги маълумланган маъқул иқтисодий прогнозларини тасдиқлади. Ижрочи директорлар кенгаши Ўзбекистон Президентини ва ҳўкуматнинг макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда таркибий ислохотларни амалга оширишда юксак самараларга эришишга қаратилган иқтисодий сиёсати бераётган юқори натижаларни қайд этар экан, маълумат 2008 йилга мўлжалланган иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига албатта эришишига қатъий ишонч билдирди.

(ЎЗА)

Иқтисодиёт

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

ЮРТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҚИМОҚ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. АЙНИҚСА, УЛАР ОРАСИДА ҒАЙРАТЛИ, ИШЧАН, ИЗЛАНУВЧАН ЁШ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ЎШИШ БОРАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛДИР.

Пойтахтимизда 2005 йилдан фаолият юритаётган «RoYondoz-plus» масъулияти чекланган жамияти жамоаси тадбиркорлари, ишчи-хизматчиларининг саъй-ҳаракатлари самара бериб, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда, янги маҳсулот турлари яратилмоқда.

Ҳозирда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган 15 хилдан ортиқ турдаги ширинликларнинг харидор-гирлигини таъминлашда, — дейди мазкур жамият бошқаруви раиси Абдор Тошмухамедов, — замонавий дастгоҳ, ускуналар, технология линиялар маддакор бўлмоқда. Айниқса, чиройли, бежирим қадоқланиб, савдо нуқталарига етказиб берилаётган ширин творог, шоколадли, вафлини конфетларимиз миқозларни мамнун қилмоқда. Жумладан, начинкали ҳуштам вафли, печеньелар ҳам каттаю кичикка бирдай манзур бўлмоқда. Бундай муваффақиятларимиз замирида эса давлатимиз томонидан юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар самараси мавжуд.

Эътиборли томони, мазкур корхона аҳли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Давлат дастури асосида амалга оширмоқда. Харидорлари сафини кенгайтиришда эса жамият тадбиркорлари асосий эътиборни ички бозорни чуқур ўрганиш, харидор дид ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда янгилик яратишга қаратади.

МУНОСИБ

ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТИДА КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ДАВОМ ЭТАЁТГАННИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЎРИНЛИ. ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА ХОРИЖНИКИДАН АСЛО ҚОЛИШМАЙДИГАН БЕЖИРИМ, КЎРКАМ, МУСТАҲКАМ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МЕБЕЛЛАР МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА.

Сифатли ва кўркам мебель маҳсулотлари нафақат хонадонларимиз кўрки, файзи, — дейди ҳусусий тадбиркор, уста мебелсоз Убайдулла Исроилов, — балки корхона, ташкилот, муассасалар, офис, олий ўқув юртилари, мактаб, коллеж ҳамда академик лицейлар, кўйинги, ҳамма-ҳамма жойда зарур бўлган ашёлардан ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда мебелларнинг замонавий, анъанавий, алоҳида тақлиф-истак, мулоҳаза ҳамда махсус буюртма асосида тайёрланиши эътиборга олингани ҳолда уларни ишлаб чиқарамиз.

Хусусий тадбиркор ҳозирда 4 нафар иқтидорли шогирдлари кўмагида ётоқхона термаси, шкаф, стол, стуллар, компьютер учун махсус столчаларни ламинад—замонавий, экологик тоза ҳам ашёни қўлланган ҳолда тайёрламоқда. Уларнинг замонавий дизайндаги чидамли, мустаҳкам узоқ йиллар хизмат қилувчи мебеллари лицензияланган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА





**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ**

**ГУЛХАНИЙ ХИКМАТЛАР**

Бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи била келур.

Кўр тутгани кўймас.

Кўрушмасанг, отангни йиқит.

Йиқилган курашга тўймас.

Бошқа тушкани кўз кўрар.

Хайр ишига жарчи бўлсанг, малул бўлма.

Катта кема қайдин юрса, кичик кема андин юрур.

Бўри бормоғина қувонур, емоғина йўқ.

Така бўлсун, сутти бўлсун.

Бели оғриманнинг нон ейишига бок.

Ўз маконини тилар ҳаргоҳ қафасдин қочса қуш.

Бузулган мулкдин албаттаким, султон хирож этмас.

**НИШОТИЙ**

Гар кишига лашкар эрса бешумор, Лекин анга бўлмаса эрқол ёр, Бўлгуси ул лашкар анинг душмани, Бахт чу йўқ жавшан ўлур мадфани.

Бахти сотиб қисмати бўлмас бузуб, Авло эрур шукр демоклик тузуб.

Аҳли сухан чунки эрур кимиё, Туфроғи зар янглиғ этар хушнамо.

Сўз дуридув жавҳари жондин азиз, Балки эрур икки жаҳондин азиз.

Нотиқ элинг ҳар бири инсон эмас, Аҳли маоний ани инсон демас.

Сўздин эрур маъни рангин мурод, Бўлмаса ул сўзни дегил гирдбод.

Кимки ямон сўзни дер — инсон эмас, Сўзки ямондур, ани ҳайвон демас.


Мулки жаҳон бордур анингдек работ Мумкин эмас анда узок инбисот.

Кимса жаҳон жомиди нўши ҳаёт — Ичди доғи ичгуси жоми мамот.

Кимдаки зар йўқтур эрур жони йўқ, Зулмат эрур чашмаи ҳайвони йўқ, Ҳар кишида ҳосил эса сийму зар — Бўлгуси ҳар мақсадин баҳравар. Даҳр биноси анга маъмур ўлуб, Олам эли амрига маъмур ўлуб.

Ишқ эрур шоҳи муалло жаноб, Нондин эрур олам эли комёб, Кимки эрур Ишқ била ҳамнишин, Топса нетонг тожу қулоху нигин!

Тўю азо хушдурув аҳбоб ила, Шоди-ю гам ҳам яна атроф ила.



**Истиклол — шон-шухратимиз**

**ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИБ**

**ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИН ШАҲРИДА XXII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲАМНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ. ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУСОБАҚАДА ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА БЕЛЛАШУВЛАРГА ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДАЛАР.**

Спорт жамоатчилиги ва мухлислар ўйинлар бошланиши катта қизиқиш билан кутмоқда. Спортчиларимизнинг Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашишига асос бўладиган омиллар кўп.

Истиклол йилларида Ўзбекистон дунёга спортни жадал ривожлантирган мамлакат сифатида ҳам танилди. Бу борадаги тараққиётнинг асосий омилли Президентимиз Ислам Каримов томонидан соҳа ривожига қаратилган улкан ғамхўрлик ва эътибордир.

Ўртабосимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин демократик жамият қуриш учун кенг кўламли вазибаларни ҳал этишга қодир, ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуқ, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган авлоднинг вояга етказиш юксак мақсад этиб белгиланди.

Ўтган даврда ана шу эзгу мақсадга эришиш, фарзандларимизнинг ўз ақл-заковати ва истеъдодини тўла намойиш этиши, уларни бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи қучиға айлантириш учун улкан куч ва имкониятлар сафарбар этилиб, ғоят залворли ишлар амалга оширилди. Натижанда бугун юртимизнинг барча ҳудудларида аҳолининг спорт билан шугулланиши учун зарур имкониятлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт

тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада оммавий спорт ўйинлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли, бир томондан, болаларимиз замонавий шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда жисмоний чинқайётган бўлса, бошқа томондан, Ўзбекистон байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарайтган навиқрон ва забардаст спортчиларимиз этишиб чиқмоқда.

Буни олимпия лицензиясини қўлга киритган спортчилар орасида мазкур уч босқичли спорт тизими мусобақаларида кашф қилинган иқтидорли ёшларнинг кўпчилиги ҳам исботлаб турибди.

Бу ҳақда гап кетганда, кейинги йилларда юртимизда юзлаб мухташам спорт мажмуалари барпо этилганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимиз фуқаролари, айниқса, ёшларимизнинг узлуксиз спорт билан шугулланишини таъминлашга хизмат қилаётган ана шу замонавий ва кўркам иншоотлар оммавий спорт ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда оммалашган спортнинг эллиқдан зиёд туридан ўттиздан ортиғи Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган. Бунда соҳада қабул қилинган Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирил Маҳкамаси қарорлари, қонулар асосида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш, спорт анжумлари ва жиҳозлари, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларини республикамизда ишлаб чиқариш, мактабларда, айниқса, кишлоқ мактабларида жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш, аҳоли ўртасида спорт маданиятини юксалтириш, оммавий спорт тарғиботини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар муҳим омил бўлди.

Спорт тарғиботини ривожлантириш, спортчиларни ижтимоий ҳимоялаш, соҳада катта ютуқларга эришган фуқаролар,

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган спорт устозларини, ёшларни тақдирлаш, соҳани педагог мураббийлар ва малакали кадрлар билан таъминлаш масалалари доимий эътиборда.

Энг муҳими, бундай қулай шарт-шароит нафақат спорт майдонларида, балки ҳаётдаги интилишларида ҳам ёшларимизнинг парвозига қанот бериб, уларни иродаси мустаҳкам, эл-юртига садоқатли, Ватан шарафини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ҳа. Мустақиллик спортчиларимизга ҳам улкан имкониятлар эшигини очди. Бундан унумли фойдаланган спортчиларимиз жаҳон майдонларида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Истиклолга эришганимиздан буён ўзбек спортчилари ёзги Олимпиада ўйинларидан медалсиз қайтмаган. 1996 йили АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилган Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон вакиллари илк бор мустақил жамоа сифатида иштирок этиб, дзюдочи Армен Багдасаров кумуш, боксчи Карим Тулаганов бронза медални қўлга киритган эди. Кейинги Олимпиадаларда медаллар сони янада ошди. 2000 йили Сиднейда (Австралия) боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев терма жамоамизга олтин медал келтирди. 2004 йили Афина Олимпиадасида эркин курашчи Артур Таймазов ва юнон-рум кураши устаси Александр Доктуришвили шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

XXII ёзги Олимпиадада пухта тайёргарлик кўраётган спортчиларимиз учун юртимиз ва хоризда ўқув-машғулотлар ўтказиш, тажриба ошириш, халқаро мусобақаларда мунтазам иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Дунё спортчилари Пекингга йўлланма олиш учун Олимпиада тарихидаги энг мураккаб саралаш босқичидан ўтишига тўғри

келганини таъкидлаш лозим. Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан олимпия лицензияларини берадиган меъёрий кўрсаткичлар сезиларли даражада оширилди.

Ҳозирча Ўзбекистонлик спортчилардан эллиқ уч нафарининг лицензияси Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан тасдиқланди. Бу жарён давом этаётганини инобатга олсак, Пекинг борадиган спортчиларимиз сафи янада кенгайиши мумкин. Ҳамюртларимиз «Пекин-2008» мусобақалари дастурига киритилган юнон-рум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва канозда эшак эшиш, енгил атлетика ва теннис каби ўттиздан зиёд спорт туридан ўн бештаси бўйича беллашувларда қатнашади.

Ўзбекистон терма жамоаси таркибида дунёга доғи кетган спортчиларимиз борлиги олимпия медалларига бўлган умидимизни оширади. Хусусан, эркин курашчилар Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, боксчи Баҳодир Султонов, дзюдочи Абдулла Тангриев каби спортчиларимизнинг аввалги Олимпиада ўйинларида орттирган тажрибаси бу гал ҳам қўл келиши тайин.

Мухлислар спорт гимнастикаси устаси Антон Фокин, канозда эшак эшиш бўйича Осие ўйинлари ва қитъа чемпионати ғолиби Вадим Меньков, енгил атлетиканинг баландликка сакраш тури бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивиц, моҳир таэквондоччи Акмал Эргашева ҳам катта ишонч билдирмоқда.

Бир сўз билан айтганда, спортчиларимиз эришадиган натижалар аввалгиларидан кам бўлмайди, дейиш учун барча асослар бор. Вакилларимиз ўз маҳорати, тажриба ва салохиятини намойиш этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишига, Пекинда Мустақилликнинг 17 йиллик шодибанасига муносиб совғалар билан қайтишига шубҳа йўқ.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ**  
ЎЗА шарҳловчиси

**Спорт янгиликлари**

**ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ**

**ҚОЗОҒИСТОНДА БОКС БҮЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР МАМЛАКАТИМИЗ БОКС МАКТАБИНИНГ КУРРАИ ЗАМИНДА ЎЗ ЎРНИ БОР ЭКАНЛИГИНИ ЯНА БИР ҚАРРА ИСБОТЛАДИ.**

Жаҳоннинг кўпгина давлатларидан келган маҳоратли чарм қўлқоп усталарига қарши ғолиблик учун кураш олиб борган мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари мусобақа якунида муваффақиятга эришиб, Тошкентга 1 та олтин, 4 та кумуш ва 5 та бронза медаллари билан қайтишди. Жумладан, ўз вази тоифаларида Исмолов — олтин, Ғиёсов, Назаров, Салимов, Фуломов — кумуш, Қудратов, Машарипов, Абдурахмонов, Юсупов, Ҳасановлар — бронза медаллари соҳиблари бўлишгани келажакда бу ёшларнинг янада улкан зафарларни қўлга киритишлари учун замин бўлиб хизмат қилади.

**РЕЙТИНГ ЖАНГЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ**

**РОССИЯНИНГ ВИБОРГ ШАҲРИДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БҮЙИЧА УЮШТИРИЛГАН РЕЙТИНГ БАҲСЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ УЛУҒБЕК БҮРИБОЕВ ВА КАМОЛИДДИН ХОЛБОВЛАРГА МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.**

Естониялик Леонтий Ворончукка қарши рингга кўтарилган Улуғбек Бүрибоев рақибини катта устунлик билан мағлуб этган бўлса, россиялик Николай Яковлев билан куч синашган Камолитдин Холбоев ҳам очқолар ҳисобига галаба қозонди.

**ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ**

**ХАЛҚАРО СУВ СПОРТИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ШАҲРИМИЗДА СУВ СПОРТИ УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА УЮШТИРИЛГАН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИДА «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН МАХСУС ПОЧТА МАРКАЛАРИ ВА ХОТИРА ТАМҒАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАНЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ.**

Шуниси қувонарлики, бундан 14 йил аввал Халқаро сув спорти федерациясига аъзо бўлган Ўзбекистон сув спорти федерацияси томонидан ўтказилаётган турнирларда кўпгина иқтидорли ёшлар совринли ўринларни қўлга киритаётганликлари, халқаро турнирларда эса ҳамюртларимиз шу

кунгача 300 дан ортик медалларга (шундан 69 таси олтин) сазовор таъкидлаб ўтилди.

Мазкур тадбирнинг ўзи ҳам сув спорти ривожига катта эътибор қаратилаётганлигини далолат беради. Тақдирот маросими якунида тадбир иштирокчиларига сув полоси, синхрон сузиш тасвирлари ва Халқаро сув спорти федерацияси рақами акс этган почта маркалари намоиш этилди.

**ТУРСУНБОЙНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ**

**ШАҲРИМИЗДАГИ «ОҚТЕПА» СПОРТ КЛУБИДА «ФЕВЗУЛ-МУНАВВАР» ПРОМОУТЕРЛИК КОМПАНИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БҮЙИЧА РЕЙТИНГ ЖАНГЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Шуниси қувонарлики, 69 килограммгача вазнлилар ўртасида ўтказилган 10 раундлик рейтинг жанги йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Унда ғолиблик учун рингга кўтарилган ўзбекистонлик Турсунбой Абдулқайимов ва россиялик Вален Алиевлар ғолиб бўлиш ниятида шиддатли кураш олиб боришди. Маҳорат бобида рақибдан устун бўлган ҳамюртимиз В.Алиевни техник нокаутга учратди ва жанг муддатидан аввал Турсунбойнинг ғалабаси билан якунланди. Профессонал боксдаги еттинчи ғалабасини нишонлаган Турсунбойни янада жиддий мусобақалар қуриб турибди. Биз унга келгусидаги баҳсларда ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**ҲОЗИРЧА ҲАММАСИ ЖОЙИДА**

**ГУРЗИЯ ПОЙТАХТИ ТБИЛИСИ ШАҲРИДА ТЕННИС БҮЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ФЬЮЧЕР» ТАСНИФИГА КИРУВЧИ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН УМИДЛИ ЁШ РАКЕТКА УСТАСИ ВАЖА УЗОҚОВ БАҲСЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАДИ.**

Ўндан ортик мамлакат теннисчилари қаторида ғолибликка интилаётган Важа Узоқов дастлаб россиялик Роман Кислянскийни икки сетда 6:4, 7:6 ҳисобларида мағлуб этди.

Жуфтликлар баҳсида россиялик Виктор Козлин билан бирга ўйнаётган Важа чорак финал йўлланмаси учун уюштирилган баҳсда гурузиялик ракетка усталари Нико Какулия ва Нодари Корчаидзени 6:3, 7:5 ҳисобларида мағлуб эта олди.

(Ўз мухбиримиз)

**ХАЛҚЛАР ДЎСТАЛИГИ ВА ШЕЪРИЯТ**

**РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА «ШЕЪРИЯТ ВА УНИНГ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ» МАВЗУИДА БАДИИЙ ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Унда икки тилда ижод қилувчи шоирлар, олим ва санъаткорлар иштирок этди.

Маълумки, юртимизда 130 дан ортик миллат ва элат вакилларининг маданияти, санъати ва анъаналарига катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишмоқда. Республика Байналмилал маданият марказида Тожик миллий маданият маркази томонидан ташкил этилган тадбир ҳам ана шундай эътиборнинг ёркин намунаси, қолаверса шу заминда яшайтган барча халқларнинг жиҳс ва бирдамлиги ифодасидир. Тадбирда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Дийримиздаги барча миллат ва элатларнинг маданият бойлиги юртимизнинг туганмас маънавий хазинаси ҳисобланади. Энг асосийси барча миллатларнинг ҳамжиҳатлиги миллатлараро тотулиқнинг яна бир қўриниши дейиш мумкин.

Кечада ҳар икки тилда ўқиб эшиттирилган ижод намуналари, куй-қўшиқлар ҳам Ватанга, инсонга бўлган туйғуларни мустаҳкамлашга ҳисса қўиши шубҳасиз. Анжуманда сўзга чиққан турли миллат вакиллари адабиёт, шеърят ҳақида атрофлича маълумот беришди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**  
«Туркистон-пресс»

**Ҳурматли тадбиркорлар!**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги жамоатчилик кенгашига Назорат қилувчи органлар томонидан Сизнинг фаолиятингизга асоссиз, ноқонуний ва ноўрин текширишлар уюштирилиши бўйича қуйидаги ишонч телефониға мурожаат қилишингиз мумкин: 150-31-01.



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 606

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ахборот**  
**бошқармасида 02-1-рақам**  
**билан рўйхатта олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
3189 нускада босилади.  
Қозғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6